

Автомобил газини қуиши компрессор станциясида сиқилған табиий газ етказиб бериш бүйича 2 - сонли

ШАРТНОМА

“02” 01 2021 ийл

Фарғона ш.

Бир томондан, Низом асосида харакат қилувчи бундан кейин матнда “Етказиб берувчи” деб юритилувчи, «UNIVERSAL GRAND FAYZLI SAVDO» МЧЖ, директори А. Юнусов ва иккинчи томондан Фарғона шаҳри, яхон бандынгече кулакланасын же оғозер
(ташкilot ва муассаса номи)

бундан кейин матнда “Истеъмолчи” деб юритилувчи, Низом асосида харакатланувчи _____

P. Буриякулов, ушбу шартномани қуидагилар хақида тузиши:

1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Етказиб берувчи” маҳсулотларни етказиб беришни ва истеъмолчи ўз вактида қабул килиб тўловни амалга оширишни ўз зиммасига олади:

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	м ³ нархи (сўм)	Жами бир йилга етказиб бериш
Сиқилған табиий газ	м ³	<u>328,42</u>	<u>2800</u>	<u>899946</u>

1.2. Етказиб бериш автомобил газ қуиши компрессор станцияларида (АГТКШ) ўзи олиб чиқиб кетиш шарти билан, “Истеъмолчи” нинг автотранспорт воситаси газ баллонларини тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

1.3. Етказиб бериш санаси деб – “Истеъмолчи” нинг транспорт воситаларига ёқилғи қуиши санаси деб хисобланади.

1.4.”Истеъмолчи” га қуиляётган сиқилған табиий газ миқдори “Етказиб берувчи” нинг ўлчов ускуналари билан аникланади ва қайдномаларда қайд этилади.

1.5. “Етказиб берувчи” “Истеъмолчи” га маҳсулотни “Истеъмолчи” нинг автомобилини АГТКШда “Истеъмолчи” вакилининг ваколатини тасдиқловчи қайднома ва ишончнома асосида ўтказиб бериш йули билан амалга оширади.

1.6. Қайдномалар ўзаро хисоб-китоб учун асос деб хисобланади ва икки нусхада расмийлаштирилади. Ҳар бир ёқилғи қуиши миқдори ва қиймати, ёқилғи қуиши қайдномасида хайдовчи ва ёқилғи қуювчи имзо билан кўрсатилади.

2.ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг умумий қиймати уни тузиш пайтида

сўмни ташкил этади ва “Етказиб берувчи” томонидан бир томонлама тартибда хом-ашёнинг, материалларнинг, ёқилғи-энергетика ресурсларининг, ҳамда Ўзбекистон Республикаси хукуматининг қарорлари ва норматив актлари ўзгариши туфайли ўзгартирилиши мумкин.

Шартноманинг ҳақиқий миқдори шартнома муддати тугагунига қадар ёқилғи қуиши рўйхатларига мувофиқ шартнома муддатининг якунига қадар қуиленган газ миқдоририга тенгдир.

2.2. Етказиб берилган маҳсулот учун тўлов, етказиб бериш (қуиши) кунидаги амал қилувчи нархлар асосида амалга оширилади.

2.3. Маҳсулотни етказиши (қуиши) тарқатиши қайдномасига асосан, белгиланган тартибда “Етказиб берувчи” нинг хисоб рақамига пул ўтгандан кейин ва тўлов хисоби олдиндан 100 фойизга тўлдирилгандан кейин амалга оширилади. Якуний тўлов “Истеъмолчи” томонидан амалдаги ойнинг ҳар 25 кунидан кечикмаган ҳолда амалга оширилади.

2.4. Томонлар ҳар кварталда солиштириш далолатномаларини расмийлаштирган ҳолда хисобларни солиштиришади. Календар йили тугаши билан “Етказиб берувчи” ва “Истеъмолчи” томонидан сотилган газ хажми ва у учун амалга оширилган тўловлар аникланиб, солиштириш далолатномаси тузилади.

3.ТОМОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “Истеъмолчи” газ балони ускуналари билан жихозланган транспорт воситаларининг техник хавфсизлиги ва техник холати, шунингдек ёнгин, санитария ва экологик хавфсизликка риоя қилиш учун жавобгарdir.

3.2. “Истеъмолчи” нинг мажбуриятлари:

а) сиқилған табиий газдан фойдаланиш ва автомобилнинг газ балон ускунасини ишлатиш бўйича амалдаги қоидалар, техник шартлар, кўлланмалар, кўрсатмаларини ва қоидаларга риоя килиш;

б) автомобилнинг газ балон ускунасини ва моддий қисми холатини яроқли холатда сақлаш;

с) техник холати, балонлар сони ва геометрик хажми ҳақида йўл варагасида белги қўйиш;

д) белгиланган тартибда автомобилга газ қуишига рухсат олиш;

е) баллоннинг умумий, геометрик хажмининг қийматини 0,5 аниқлик билан автомобилнинг техник паспортига (маҳсус иловага), шунингдек маҳсус жадвалда ва автомобил қисмларида ёзиб қўйиш.

3.3. “Етказиб берувчи” нинг мажбуриятлари:

а) автомобил газ ускуналаридан, назорат-ўлчов курилмаларидан ва кулфлаш арматураларидан фойдаланишининг тўғрилигини текшириш;

б) хайдовчидаги сиқилған табиий газ билан ишлайдиган транспорт воситасини бошқариш учун гувоҳнома, ёқилғи қуиши учун рухсатнома ва йўл варагаси мавжудлигини текшириш;

с) агар истеъмолчи (истеъмолчилар ходимлари) белгиланган ҳуқуқларга, ёқилғи қуиши қоидаларига ва ушбу шартноманинг шартларига риоя қилмаса, сиқилған табиий газ билан ёқилғи қўймаслик.

4. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 4.1. Томонлар ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.
- 4.2. Ушбу битим шартларини бузганикклари учун томонлар хужжатлаштирилган зарарни амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда көплайдилар.
- 4.3. Агар истемолчи ушбу шартномада белгиланган етказиб бериладиган маҳсулотлар учун тўлов шартларини бузган бўлса (2,3 банд), у ҳар бир кечикирилган кун учун шартнома шартлари бўйича тўлаш учун зарур бўлган сумманинг 0,1 % миқдорида жарима тўлайди.
- 4.4. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганликлари ёки тегишли равишда бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинади, агар ушбу мажбуриятларни бажармаганлик (тегишли равишда бажармаганлик) форс-мажор холатлари туфайли келиб чиқкан бўлса.
- 4.5. Етказиб берувчи учун фавкулотда характердаги холатларга (форс-мажор) қуидагилар киради:
- а) магистрал газ қувурларида, шахар газ ва электр тармоқларида авариялар, олдиндан кўриб бўлмайдиган вазиятларнинг вужудга келиши;
 - б) ёнғинлар, зилзилалар, тошқинлар ва бошқа табиий оғатлар;
 - с) магистрал газ қувурлари, газ ва электр тармоқларини капитал таъмирлаш, шу ишлар билан боғлиқ синовлар, шунингдек пайвандлаш пайтида;
 - е) қишки мавсумда ёқилгини навбатсиз қуиши мажбуриятини зиммамизга олмаймиз.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 5.1. Ушбу шартномада назарда тутилмаган масалалар бўйича, томонлар Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазиригининг 23.01.2010 йил 2072-сонли “тарқатиш ведомостлари ва лимит дафтарчалари бўйича автотранспорт воситаларига ёқилғи қуиши учун нефт маҳсулотлари, суюлтирилган ва табиий газни бериш тартиби” ҳақидаги коидаларига, ҳамда амалдаги қонунчиликка асосланишади.
- 5.2. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган ёки унга боғлиқ равишида юзага келадиган барча низолар, келишмовчиликлар ёки даъволар, шу жумладан унинг бажарилиши, бузилиши, бекор қилиниши, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши билан боғлиқ масалалар, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда Фарғона вилояти иктисодий суди томонидан ҳал қилиниши керак.



6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 6.1. Ушбу келишув “___” 20 ___ йилда “___” 20 ___ йилгача амал қиласди. Ушбу шартнома кейинги календар йилига томонларнинг ҳеч бири, шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан 20 (йигирма) кун олдин, бошқа томонга шартнома бекор қилиш тўғрисида ёзма равишида хабар бермаслик шарти билан узайтирилиши мумкин.

7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 7.1. Реквизитлар ўзгартирилганда, томонлар учун ичидаги бир-бирларига бундай ўзгаришлар тўғрисида хабар бериш мажбуриятини оладилар. Акс ҳолда, охиригина маълум бўлган манзилга юборилган хабарлар тегишли тартибда жўнатилган деб ҳисобланади.
- 7.2. Хуқуқ ва мажбуриятларнинг ўтказилиши, шу жумладан ушбу шартномага биноан даъво хуқуқининг бир томондан берилиши факат бошқа томоннинг ёзма розилиги билан амалга оширилиши мумкин.
- 7.3. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгаришлар ва қўшимчалар, улар ёзма равишида тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатга эга вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қиласди.
- 7.4. Ушбу шартнома икки нусхада ўзбек тилида тузилган, томонларнинг ҳар бири учун биттадан, иккала нусхаси бир хил ва тенг конуний кучга эга.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

<p>“Етказиб берувчи” «UNIVERSAL GRAND FAYZLI SAVDO» МЧЖ город Фергана, улица Ватан равнаки р/с: 20 208 000 700 847 219 001 АТБ «Универсалбанк» Фаргона филиали МФО:01131 ИНН:305/341-743 Контактный телефон: (91) 282-22-10 директор:  А. Юнусов</p>	<p>“Истемолчи”  Ферганса шаҳри, Ахлоғ балоғленига коригланашсан кеҳроғи. Фарғонада ш. б. Марғилоний ш. № № 123401000300100001010 ИЧК № 1001911948 1100,000,00 ИЧК № 100011060301141091014100 Директор:  Р. Умаров.</p>
---	--